

# TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil 27-may CHORSHANBA № 44 (13905)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline\_24 Haqiqat online haqiqatonline\_

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

### Муҳтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар, бутун халқимизни бугунги улуғ айём – муборак Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Тинчлик, меҳр-оқибат ва саховат байрами – Ийд ал-Адха муқаддас динимиз моҳиятида мужассам бўлган эзгу гоя ва амалларни яққол ифода этган ҳолда, ҳозирги кунда мамлакатимизда инсонпарварлик руҳида олиб борилган кенг қўламли ислохотларимизнинг маъно-мазмунига уйғун ва ҳамоҳанг экани билан барчамиз учун янада азиз ва қадрли бўлиб бормоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, кўпмиллатли юртимизда осойишталик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёрдамга муҳтож инсонлар, муҳтарам нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла ва хонадонларни обод қилишга қаратилган ишларимизда Қурбон ҳайитининг эзгу аъёнлари куч-ғайрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданий қадриятларини, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий-маърифий меросини, ислом динининг асл моҳиятини урганиш ва тарғиб этиш борасидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилимоқда. Бунга яқинда халқимиз ва юртимиз меҳмонлари учун ўз эшикларини очган азим пойтахтимиздаги Ислам цивилизацияси мар-

кази, Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Марғилон шаҳридаги Бурхониддин Марғинович илмий-маърифий ва туризм мажмуаси каби Янги Ўзбекистон мўъжизалари бўлган ноёб обидалар мисолида яққол кўриш мумкин.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги муҳим тарихий қадамлар бўлиб, улар бизни янада катта сафарбарлик билан ҳаракат қилишга даъват этади.

### Хурматли дўстлар!

Юртимизда диний эътиқод эркинлигини таъминлаш учун яратиб берилган қўлай шароитлар туфайли ушбу мунаввар кунларда 15 мингдан зиёд ватандошларимиз муқаддас ҳаж амалларини адо этмоқда. Бу йил тарихимизда илк марта “Президент ҳожилари” дастури жорий этилганидан хабарингиз бор. Ушбу дастурга мувофиқ, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилган 100 нафар юртдошимиз – уламолар, нурунийлар, маҳалла фахрийлари ҳамда уларнинг оила аъзолари муборак ҳаж сафарига бориш имкониятига эга бўлдилар.

Мана шу саодатли онларда барча ҳожиларимизни Қурбон ҳайити билан қўллаб, ибодатлари қабул бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз. Муқаддас зиёратдан қайтиб келадиган бу хурматли юртдошларимиз эзгулик ва маърифат тарғибчилари сифатида оила

ва маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда олиб бориладиган маънавий-тарбиявий ишларда фаол иштирок этадилар, деб умид қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дунёнинг турли мамлакатларидаги мусулмон дўстларимиз ва ҳамкорларимизга ҳам қизгин қўлловларимизни йўллаб, уларга тинчлик, равақ ва фаровонлик тилаб қоламиз.

### Азиз ватандошлар!

Қурбон ҳайити муносабати билан бу йил ҳам бир неча кундан иборат дам олиш кунлари белгиланди. Байрам кунларида ҳам элимиз хизматида, Ватан сарҳадларида ўз вазифасини масъулият билан адо этаётган юртдошларимизга алоҳида миннатдорлик билдираимиз.

Чет элларда таҳсил олаётган ва ишлаётган ватандошларимизни ҳам самимий табриклаб, уларнинг барчасига эзгу тилақларимизни изҳор этамиз.

Эл-юртимизни шундай қўтлуғ айёмга тинчлик-омонликда ва ҳамжиҳатликда етказгани учун Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин! Илоҳим, Яратган парвардигор эл-юртимизни ўз паноҳида асрасин!

Қурбон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## “Юрт қайғусида 365 кун” тақдимотдан кейинги қайдлар

Журналист бўлганимиз учун бўлса керак, янги китоблар тақдимотига тез-тез таклиф этиб туришади. Бирига вақт топиб борсак, бирига бора олмаيمиз. Айрим китоб тақдимотларида маърузачиларни маза қилиб эшитсак, айримларида қозғондан бош кўтармай “маъруза ўқийдиган” валло-матларни “тинглаб”, энса қотириб ўтиришга тўғри келади. Шунинг учун ҳам уларнинг баъзилари ҳақида қозғон қораласак, баъзиларини шунчаки “унутиб” қўя қоламиз. Лекин давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг бир йиллик сермахсул фаолияти акс этган “Юрт қайғусида 365 кун” китобининг тақдими бутунлай бошқача руҳда, янги шаклда, расмийликдан бутунлай холи тарзда ўтдики, шу боис ушбу тадбир ҳақида батафсилроқ ёзишга қарор қилдик.

### Муносабат

(Давоми 3-саҳифада)

## Бахтиёр авлодга бахшида

### Сурур



Нурлар оғушида уйғонган, эй тонг,  
Жозибане бағрида ҳаяжонда жон.  
Бу кун ҳам ҳаётда мўътабардир энг,  
Толға берилган бетакрор имкон.

Оталар юзига бир бор назар сол,  
Қара, қандай масрур оналари ҳам.  
Шодлангин, улғаяр кўрмайин завол,  
Кўзлари чакнаган болалари ҳам.

Ниеохине қувнайдн боғларни кўриб,  
Яшиллик олами тортар меҳрига.  
Қишлоғу овулни оралаб юриб,  
Ошино бўласан унинг сەҳрига.

Жилмайиб турган у, билсанг, Жаҳоҳир,  
Шахмат тахтасида дадил сураган от.  
Мана-ман дегаини енгиб у охир,  
Беллашиб мардларча айлаганди мот.

Барчиной келбатли Диёра бири,  
Элчиллик бобида сира енгилмас.  
Ғолиблик ҳар кимнинг эмас хунари,  
Ҳаттоки йиғитлар келолмайди бас.

Ёшларнинг омади келган давр бу,  
Устозлар дуоли бўлган ижобат.  
Бу кунга келгунча меҳнат, сабр бу,  
Гуркираб барг ёзди меҳр, оқибат.

Хоразмий издоши – математиклар,  
Дунё майдонида бўлди соёриндор.  
Илмин истикбол томон етаклар,  
Дилдаги интилиш, тенгсиз иқтидор.

Темурбек авлодин шижоатин кўр,  
Томирларда жўшар улуглар қони.  
Бежизмас, бу элнинг қўдрати ҳам зўр,  
Асли боболарнинг собит иймони.

Хаммасига гувоҳ бу кўхна замин,  
Не фотоҳлар кечди кўтариб урхо.  
Аммо Навоийнинг соҳир каломин  
Синдирилган кучни кўрдими дунё?!

Бугун имконият чекланмас сира,  
Тақдир зарбасини қилмаслар писанд.  
Параллелчи сафлар ҳам, қара,  
Юксак майдонлардан қайтар сарбаланд.

Кутаётир бизни олис мундиаль,  
Жаҳон аро мағрур тўп сураур ўзбек.  
“Оқ бўрилар” бунда енгилмас азал,  
Футбол осмонида чакнар юлдуздек.

Бугун кўла китоб олмақлик фасли,  
Идроклар улғаяр боболарга хос.  
Тафаккур, заковат – донолар насли,  
Ёвқур, ёш кўзларда чакнайди турганлар.

Дерлар оққан дарё оқмасдан қолмас,  
Бу юртда буюклар улғаяр ҳали.  
Билмидон миллатни ёвлар босолмас,  
То сўнмасга агар ирфон машъали.

Гуручлар курмакисиз бўлмаган каби,  
Гоҳида йўлларда учрайди нокас.  
Обру талашмоқлик кимнинг матлаби,  
Қорнидан бошқасин балки ўйламас.

Балки галамислар пайт пўлар сергак,  
Ахир боғ оралаб ўсар тиканлар.  
Бордир элга ўзин кўрсатиб дўстдек,  
Душманга сопиша тайёр турганлар.

Азиз халқ англади ўзликини бугун,  
Усиб келаётир мард, жасур авлод.  
Одил Йўлбошчининг ортидан бутун,  
Эл борар – қалбида улғувор имдод.

Афсус, дунё ҳамон чайқалар нотинч,  
Кўйиб бир-бирига беаёв гоелар.  
Гарчи Ватан сокин, тунларимиз тинч,  
Омонлик қадрини билмас бировлар.

Нурлар оғушида уйғонган, эй тонг,  
Хуш келдинг улкамга кенгликлар ошиб.  
Юртим ҳар аўшасин айла чарогон,  
Ҳар юракка киргин кенг қулоч ёзиб.

Токи нур қадрига етсин ҳар онда,  
Гурур ва шукурни айласин одам.  
Параллелчи етсин Ўзбекистонда  
Туғилмоқ, яшамоқ – улкан саодат!

Ўткир РАҲМАТ

## ЭКСПОРТБОП ЛОЙИХАЛАР – ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Тошкент вилоятида иқтисодий диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва ҳудудларнинг туризм жозибадорлигини кучайтиришга қаратилган амалий ишлар изчил давом этмоқда.

### Ўрганиш



Ана шундай саъй-ҳаракатлар доирасида вилоят ҳоқими Зойир Мирзаев Юқори Чирчиқ туманида амалга оширилаётган қатор истиқболли санаот ва агротуризм лойиҳалари билан танишди.

Дастлаб вилоят раҳбари “Universal Freezing Foods” МЧЖ фаолиятини кўздан кечирди. “Гулстон” маҳалласида жойлашган мазкур корхона замонавий технологиялар асосида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва экспортга йўналтириш билан шуғулланади. Қиймати 4 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа доирасида 150 та янги иш ўрни яратилган.

Бу ҳудуд агросанаот салоҳиятини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Маълум қилинишича, корхона томонидан 2025 йилда МДҲ давлатларига 23 миллион долларлик қуритилган сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинган.

### Сўнгги кўнғирок



## ЮКСАК МАЪРИФАТЛИ АВЛОД – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПЙДЕВОРИ

Ўқув йили якунланиши муносабати билан вилоятдаги 875 та умумий ўрта таълим муассасаларида “Сўнгги кўнғирок” тадбирлари бўлиб ўтди. Устозлар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам қувонч ва ҳаяжонларга тўла мазкур тантаналар “Юксак маърифатли авлод – Учинчи Ренессанс пойдевори” шиори остида ташкил этилди.

2



Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

## “TasIMO-2026”: ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РАҚОБАТ МАЙДОНИ



2

## “ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БЎРИЛАР!”



Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси тўрт йилликнинг нуфузли мусобақаси – жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Америка сари отланди. Осиёда “Оқ бўрилар” лақаби билан аталувчи жамоамиз АҚШга 30 нафар футболчи билан жўнаб кетди. Улар ушбу мусобақада шунчаки иштирок этишни эмас, тарих яратишни мақсад қилишган.

(Давоми 4-саҳифада)



## ЭКСПОРТБОП ЛОЙИХАЛАР – ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Жорий йилнинг дастлабки беш ойида эса экспорт ҳажми 5 миллион долларга етган.

Шунингдек, вилоят ҳокими "HUMO SAVDO PLUS" МЧЖ корхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Қиймати 4 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳа йиллик 65 минг тонна қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада 100 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар импорт ўрнини босиб билан бирга ташқи бозорларга ҳам йўналтирилмоқда. Корхона томонидан йиллик 5

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилган.

Юқори Чирчиқ туманида иқтисодий салоҳиятни оширишга қаратилган ишлар нафақат саноат, балки туризм йўналишида ҳам изчил давом этмоқда. Хусусан, "Rose Park" МЧЖ ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида агротуризм лойиҳаларини ташкил этиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев, Юқори Чирчиқ тумани ҳокими Ускенбай

Атемов, "Tashkent Agrostar" раҳбарияти, тижорат банклари ва молия муассасалари вакиллари, боғдорчилик йўналишида фаолият юритаётган фермерлар ҳамда ташаббускор тадбиркорлар иштирок этди.

Семинар давомида агротуризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, ҳудуд имкониятларидан самарали фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва қўшимча даромад манбаларини яратиш каби масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, туманда амалга оширилиши режалаштирилаётган истиқболли агротуризм лойиҳалари тақдироти ўтказилиб, уларнинг иқтисодий аҳамияти ва келгусида ҳудуд ривожига қўшадиغان ҳиссаси ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбирда банк-молия муассасалари вакиллари томонидан агротуризм лойиҳаларини молиялаштириш, имтиёзли кредитлар ажратиш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар ҳам илгари сурилди.

Таъкидланганидек, агротуризмни кенг ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий маҳсулотлар савдосини кенгайтириш, ички ва ташқи туризм оқимини ошириш ҳамда қишлоқ ҳудудларининг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш мумкин.

Юқори Чирчиқ туманида амалга оширилаётган бундай йирик саноат ва агротуризм лойиҳалари ҳудуд иқтисодийтини мустаҳкамлаш, экспорт имкониятларини кенгайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

## “TasIMO-2026”: ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РАҚОБАТ МАЙДОНИ

Бўстонлиқ туманида жойлашган "Green Hills Resort" мажмуасида "TasIMO-2026" Тошкент халқаро математика олимпиадасининг финал босқичи бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли халқаро интеллектуал лойиҳа иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, STEM-таълимни ривожлантириш ҳамда халқаро таълим ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

▼ Танлов

Олимпиада давомида юзлаб иқтидорли ўқувчилар билим ва салоҳиятини намойиш этишди. Тадбир нафақат билим синови, балки ёшлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва тажриба алмашинуви майдонига ҳам айланди.

Мазкур халқаро олимпиада учинчи мартаба ташкил этилди, – дейди Халқаро NORDIC университети ректори, профессор Шерзод Музаффақулов. – Жорий йилги олимпиадага 34 та давлатдан ўқувчилар рўйхатдан ўтган бўлиб, саралаш жараёнилари натижасида 14 та давлат, жумладан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой, Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Покистон, Болгария каби

мамлакатлардан келган энг кучли иштирокчилар финал босқичига етиб келди. Финал босқичида Ўзбекистоннинг 14 та ҳудудидан сараланган 150 нафар иқтидорли ўқувчилари ўз билим ва салоҳиятини намойиш этишди.

Олимпиада саволлари халқаро экспертлар иштирокида йил давомида ишлаб чиқилди. Турли давлатлардан юборилган мингглаб мисол ва масалалар орасидан энг мос ва сифатли топшириқлар саралаб олинди. Ҳар бир савол ўқувчиларнинг чуқур таҳлил қилиш, тезкор фикрлаш ва ижодий ёндашувини синовдан ўтказишга қаратилди.

Иштирокчилар икки



алоҳида тоифага бўлинди: 3–9-синфлар ҳамда 10–11-синфлар. Ҳар бир тоифа учун алоҳида мураккаблик даражасидаги саволлар ишлаб чиқилди. 3–9-синфлар учун асосий математик билимлар, мантқиқий масалалар ва ҳисоблашга оид топшириқлар берилган бўлса, юқори синфлар учун чуқур математик таҳлил талаб этиладиган мураккаб масалалар тақдим этилди. Олимпиада доирасида иштирокчиларнинг билим да-

ражаси халқаро стандартлар асосида синовдан ўтказилди. Шунингдек, тадбир давомида турли интеллектуал ўйинлар, маданий дастурлар ва жамоавий фаолиятлар ҳам ташкил этилди. Бу эса ёшларнинг нафақат билиминини, балки ижтимоий фаоллигини ҳам оширишга хизмат қилди.

Мазкур халқаро лойиҳа ёшларнинг илм-фанга бўлган қизиқишини ошириш, иқтидорли ўқувчиларни кашф этиш ва Ўзбекистон-

нинг халқаро таълим майдонидида нуфузини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мукофотлаш тизими ҳам халқаро стандартларга мос равишда ишлаб чиқилган бўлиб, 10–11-синф ғолибларига 15 минг АҚШ долларига ҳам мукофотлар топширилди. Энг муҳим жиҳати, мукофотлар нафақат ўқувчиларга, балки уларнинг устозларига ҳам берилди.

Мен Тошкент вилояти номидан иштирок этдим, – дейди 6-синф ўқувчиси Темирбек Зокиров. – Биринчи навбатда устозларим, ота-онамга миннатдорчилик билдираман. Тинимсиз қилган меҳнатимиз муносиб мукофотланганидан хурсандман. Келгуси йилда яна иштирок этишни мақсад қилдим.

"TasIMO-2026" халқаро математика олимпиадаси ўзининг юқори ташкилий даражаси, кенг халқаро қамрови ва адолатли баҳолаш тизими билан ёшлар учун муҳим интеллектуал бир форма эканини яна бир бор исботлади.

Нигора ЭРКИНБОЕВА

## ЮКСАК МАЪРИФАТЛИ АВЛОД – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОВДЕВОРИ



Жорий йилда вилоят бўйича мактабларни тамомлаган 37 минг 246 нафар 11-синф ўқувчиларининг 811 нафари олтин, 175 нафари кумуш медалга муносиб деб топилди. Шунингдек, 476 нафар битирувчи мuddатидан олдин олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Хусусан, Қўйраб туманидаги 46-умумий ўрта мактаб битирувчиларининг "Сўнги кўнғирок" тадбири бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этиб, битирувчиларнинг қувончли онларига шерик бўлди.

Бугун битирувчилар чехрасида фахр ва масъулиятни кўрамади, – деди вилоят раҳбари. – Улар келажак пойдеворини қуриш сари илк қадамни ташламоқдалар. Келгусида улар давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш орқали ўз йўларини топшиларига ишонман.

Тадбир давомида аъло баҳолари, намунавий ҳуқли ва жамоат ишларидаги фаоллиги билан ажралиб турган иқтидорли ўқувчилар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, тадбирлар давомида фарзанд тарбиясида фаоллик кўрсатган ота-оналар ҳам муносиб эътироф этилди. Уларга "Энг фаол ота", "Жонқуяр она", "Масъулиятли ота-она" номинациялари бўйича "Миннатдорчилик хат"лари топширилди. Жумладан, битирувчи Нодира Содиқованинг онаси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Матлуба Содиқова "Жонқуяр она" номинацияси билан тақдирланди.

Қўйраб туманида таълим соҳасида амалга оширилаётган ишловотлар, ўқувчилар учун яратилган имкониятлар ўзининг амалий натижасини бермоқда, – дейди туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Флора Йўлдошева. – Жорий ўқув йилида тумандаги умумтаълим мактабларини 1 минг 716 нафар битирувчи тамомламоқда. Қувонарлиси, уларнинг 1 нафари дунёнинг ТОП-100 талиғига кирувчи университетга 100 фоизлик грант асосида ўқишга қабул қилинди. Яна 5 нафар битирувчи ТОП-1000 талиқдан урин олган олий таълим муассасалари талабаси бўлди. Шу билан бирга, "Беш миллион сунъий интеллект етакчиси" лойиҳаси доирасида 4,4 минг нафар ёш халқаро сертификатларни қўлга киритиб, замонавий билим ва кўникмаларни эгалламоқда.

Мактабнинг "Иқтидор" ҳаваскорлик ансамбли иштирокчилари томонидан намойиш этилган мусиқий ва бадий чиқишлар тадбирга янада кўтаринкилик олиб кирди.

"Сўнги кўнғирок" – бу оддий байрам эмас, балки масъулиятнинг бошланиши, катта ҳаёт оstonасидаги жиддий қадам ҳамдир. Келгусида улар юксак чуққиларни забт этиб, Янги Ўзбекистонга янги муваффақиятлар олиб келишади, деган умиддамиз.

Нигора УРОЛОВА,  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

# Ular endi talaba

Respublikamizdagi barcha maktablarda so'nggi qo'ng'iroq sadolari yangrab, minglab yoshlarni katta hayotga kuzatib qo'ydi. Bitiruvchilar oliy ta'lim muassasalarida bilim olishni davom ettirish orzusunda. Ular orasida milliy sertifikatga ega chiqib, yuqori ball to'plagan holda muddatidan oldin talaba maqomiga erishganlari ham bor. Quyida shunday bitiruvchilardan ayrimlarning taassurotlari bilan o'rtoqlashamiz.

### ▼ Bugunning yoshlari

Asal HAMADOVA,  
Nurafshon shahridagi 9-maktab bitiruvchisi:

– Joriy yil hayotimda eng quvonchli va unutilmas yillardan biri bo'ldi, desam mubolag'a bo'lmaydi. Chunki uzoq yillardan beri qalbimda asrab kelgan orzularimdan biri – talaba bo'lish baxtiga muddatidan oldin erishdim. Bu yutuq men uchun nafaqat katta quvonch, balki yanada ulkan maqsadlar sari intilishga undaydigan mas'uliyat hamdir. Bolaligimdan huquqshunos bo'lishni orzu qilardim. Sudyalar, advokatlar va huquq sohasida faoliyat yuritayotgan insonlar haqidagi ko'rsatuvlar, kitoblar menda bu kasbga nisbatan qiziqish uyg'otgan. Ayniqsa, adolatni qaror toptirish, inson huquqlarini himoya qilish kabi

ulug' tushunchalar doimo ilhom berib kelgan. Shu sababli maktabda ona tili va adabiyot, ingliz tili, tarix hamda huquq fanlariga alohida mehr bilan yondashdim. Ayrim paytlarda kechki vaqtgacha tayyorgarlik ko'rgan kunlarim ham bo'ldi. Chunki har bir katta maqsad ortida mehnat, sabr va matonat turishini yaxshi anglardim.

Mazkur muvaffaqiyatga erishishimda, avvalo, yaqinlarimning ishonchi, qo'llab-quvvatlashi katta kuch bag'ishladi. Shuningdek, bilim berishdan charchamagan ustozlarimning ham mehnati beqiyos. Bugun mehnatlarim samarasini ko'rib, o'zimni yanada mas'uliyatli his qilmoqdaman.



Erishgan bu yutuq'im – orzularim sari tashlangan ilk qadamlar, xolos. Oldimda hali zabt etishim kerak bo'lgan yuksak maralar juda ko'p. Shuning uchun ham o'qib-o'rganib, bilim va tajribamni yanada oshirishga intilaman. Chunki inson faqat mehnat va intilish orqali katta maqsadlariga erisha oladi. Kelgusida esa adolat va haqiqat yo'lida xizmat qiladigan, insonlar ishonchini qozona oladigan yetuk advokat bo'lish uchun harakat qilaman.

Faxriddinxo'ja YOQUBOV,  
O'rta Chirchiq tumanidagi 72-sonli ayrim fanlarga ixtisoslashtirilgan maktab bitiruvchisi:

– Bolaligimdan huquq sohasiga qiziqqaman. Ayniqsa, adolat, qonun ustuvorligi va inson huquqlari bilan bog'liq mavzular menda katta qiziqish uyg'otardi. Shuning uchun keyinchalik aynan shu sohada mutaxassis bo'lishni o'z oldimga aniq maqsad qilib qo'ydim. Buning uchun maktab davridanoq ingliz tilini chuqur o'rganishga kirishdim. Chunki bugungi kunda zamonaviy bilim va xalqaro tajribani egallash uchun til bilish juda muhim. Ko'plab qo'shimcha darslar, mustaqil tayyorgarliklar bilan SAT hamda IELTS xalqaro imtihonlarida yuqori natijalarni qayd etib, muddatidan oldin talaba degan sharafli nomga erishdim.

Bugungi muvaffaqiyatlarim ortida ota-onamning ishonchi, ustozlarimning mehnati va ularning menga bo'lgan e'tibori mujassam. Ayniqsa, meni qo'llab-quvvatlagan, bilim olishga bo'lgan ishtiyoqimni yanada kuchaytirgan o'qituvchilarimdan minnatdorman. Ularнинг maslahat-



lari, tajribasi va doimiy rag'batlantirishi menga yangi kuch va ishonch bag'ishladi.

Maktabda tahsil olgan yillarim davomida turli fan olimpiadalari va intellektual tanlovlarda ishtirok etib, bilimimni sinab ko'rdim. Har bir yutuq dunyoqarashimni kengaytirib, maqsadlarimni yanada mustahkamladi.

Bugun esa mehnatlarim samarasini ko'rib, kelajagim sari ishonch bilan qadam tashlayapman. Endilikda Toshkent xalqaro Vestminster universitetida o'qishni rejalashtiryapman. Keyinchalik xorijda huquq sohasini yanada chuqur o'rganib, Vatanimiz ravnagiga hissa qo'shadigan munosib mutaxassis bo'lish niyatidaman.

Mohinur AHMADOVA,  
Toshkent tumanidagi 15-umumta'lim maktabi bitiruvchisi:

– Bugun maktabni bitirar ekanman, qalbimda hayajon, quvonch va cheksiz minnatdorlik hislari jam bo'lgan. O'timga nazar tashlasam, erishgan natijalarimda ustozlarimning mehri, ota-onamning duosi turganini his qilaman.

Oliy ta'lim muassasalariga kirish imtihonlariga hali uch oy vaqt bo'lishiga qaramay, biologiya, kimyo, o'zbek tili va adabiyoti, tarix hamda matematika fanlaridan 100 foizlik natija qayd etganim men uchun katta ishonch va mas'uliyat bo'ldi. Bu natijalarni osonlik bilan qo'lga kiritganim yo'q. Har birining ortida mehnat va o'z oldimga qo'ygan aniq maqsad bor.

Bu yo'lida menga bilim bergan ustozlarimga cheksiz rahmat aytaman. Ular har bir mashg'ulotda mavzuda nafaqat ta'lim, balki ishonch ham berishdi. Qiyin paytlarda ruhlantirib, "Sen albatni uddalaysan" degan so'zlari men uchun eng katta motivatsiya



bo'ldi. Shuning uchun erishgan har bir yutuq'imda ustozlarimning hissasi katta.

Kelajakda shifokor bo'lmoqchiman. Insonlarga shifo ulash, ularning dardiga malham bo'lishni istayman. Shu orzumga yetishish yo'lida turli fanlarni chuqur o'rgandim. Bugungi muvaffaqiyatlarim esa kelajakdagi katta maqsadlarim uchun mustahkam poydevor bo'lib xizmat qiladi.

Barcha abturiyentlarga shuni aytmoqchiman: aniq maqsad, intilish va mehnat insonni albatta yuksak maralarga olib chiqadi. Hech qachon orzularingizdan voz kechmang. Chunki bilimli bo'lish maqsadida qilingan mehnat hech qachon besamir ketmaydi.

*Бизнинг бағрикена, фидойи ва меҳнаткаш халқимиз инсон қадрни улуғладиган фаровон юртда яшашга ҳар жиҳатдан муносибдир.*

*Менинг асосий мақсадим ҳам тинчлик ва тараққиёт доимо барқарор бўлган, одамлари бахтиёр ҳаёт кечирадиган, дунёда ўз ўрни ва сўзига эга бўлган Янги Ўзбекистон барпо этишдан иборатдир.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Анжуманда юртимизнинг атоқли ижодкор зиёлилари, академик олимлар, устоз журналистлар, талаба-ёшлар, ёзувчи-шоирлар ва етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Тақдирот Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида бўлиб ўтди.

Таъкидлаб ўтганимиздек, китоб тақдиротида узундан узоқ зерикари маърузалар қилинмади. Аксинча, тadbирда сўзга чиққан Ўзбекистон журналистлари уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Шухрат Ориф, "Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Салим Дониёров, Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайид, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири, устоз журналист Аҳмаджон Мелибоев, Кинематография агентлиги бош директори Шухрат Ризаев, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

тили ва адабиёти университети ректори, академик Шухрат Сирожиддиновлар китоб мутолаасидан олган завқ-шавқ ва ибрат ҳақида халқона тилда, содда ва аниқ мисоллар билан сўзлаб, йиғилганларни ушбу нашр нимаси билан бош-

дан-янги ютуқлар замирида давлатимиз раҳбарининг юртга, халқимизга фидойилиги, матонати, заҳматли меҳнатлари, катта ҳаётий тажриба ва ташаббуслари пойдевор бўлаётганига ҳаммisha ҳам эътибор беравермаймиз, — деди

Албатта, юртимизда кейинги ўн йилликда амалга оширилган ижобий ўзгаришларни бир ёки икки китобда акс эттириб бўлмайди. Фикримча, ўтган йиллардаги ўзгаришларни саралаб, қайд этиш учун яна ўнлаб китоблар ёзилиши

маданият соҳаларида амалга оширилган ишларни ҳужжатли манбалар, тахлилий шарҳлар ҳамда фотолар ҳамда асосида жамлагани билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, ушбу асар 2025 йилда мамлакатимизда амалга оширилган ишларнинг тарихий қўлами, давлат бошқарувидаги янгича ёндашувлар ҳамда инсон қадрни устувор бўлган тараққиёт моделини акс эттирувчи муҳим сиёсий-ҳужжатли манба сифатида изчил ёритилгани боис олим-уламолардан тортиб, оддий китобхонгача тушунарли тилда ёзилгани билан ҳам ўқувчини

гайтириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда янги Ўзбекистоннинг глобал майдондаги нуфузи ортиб бораётгани ҳақидаги муҳим факт ва далилларга дуч келасиз. Энг муҳими, улар китоб саҳифаларида ҳеч бир изоҳсиз, ориқча шарҳларсиз, кетма-кет, яъни хронологик тарзда қайд этилган.

Қолаверса, китобда давлат раҳбарининг бевосита халқ билан мулоқотлари, ҳудудларга ташрифлари, халқаро саммит ва музокаралардаги иштироклари, стратегик шериклик алоқалари, экология, энергетика, рақамли техно-

дан ўрин олган факт ва далиллар сиз-у бизга Ватанга фидойиликдан, юртни қандай яхши кўришдан, ҳақиқий инсон ўзига Аллоҳ томонидан ато этилган умрнинг ҳар дақиқасини халқи фаровонлиги учун бахшида эта олиши мумкинлигидан сабоқ беради. Демак, ўзини шу юртга дахлдор деб билган ҳар бир инсон Ватанига, давлатига, халқига, миллатига қандай хизмат қилишни Президентимиздан ўрганишимиз керак...

Мана, бизга тақдиротида қатнашиш насиб этган китоб нимаси билан бошқа китоблардан ажралиб туради! Ушбу китоб, шубҳасиз, келажакда сизу бизга ўрнак, ибрат ва Ватанга фидойилик мактаби вазифасини ўташи билан ҳам ўта қадрли манба бўлиб қолади.

Китоб саҳифаларидан жой олган статистик маълумотлар, тахлилий шарҳлар, иқтибослар, халқаро муносабатларга оид фактлар, фотолар ҳамда QR-кодлар орқали тақдим этилган қўшимча маълумотлар асарнинг ўқувчи учун қimmatини таъминлаган, дейиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, "Юрт қайғусида 365 кун" китоби ўзида жамлаган улкан маълумотлар базаси билан, давлат раҳбарининг эл-юрт манфаати йўлидаги кечакор тизим эканлигига яна бир марта амин бўлдим. Тасаввур қилинг, бир йилнинг 365 кунини давомлатиб қилмасдан қилаётган заҳматли меҳнати билан ҳар биримизга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

Янги китоб муборак бўлсин, азизлар!

**Ислон ҲАМРОЕВ,**  
журналист

# “Юрт қайғусида 365 кун”

## тақдиротдан кейинги қайдлар

қа китобларга ўхшамаслигини изоҳлаб беришди. Шунингдек, давлат раҳбарининг бир йиллик фаолияти давомида амалга оширилган улкан ишлар мамлакатимизда кеч-ақтарган ислохотлар ортага қайтмаслиги, улар ҳар бир юртдошимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани, бугун Ватанимиз жаҳонда янги Ўзбекистон сифатида тобора кўпроқ шуҳрат қозониб бораётганига алоҳида ургу беришди.

— Биз бугунги ҳаётимизда ҳар кунни, ҳар дақиқада содир бўлаётган оламшумул ўзгаришларга ўрганиб қолдик. Лекин мана шу ўзгаришлар, улкан ислохотлар, қўлга киритилаётган янги-

журналист Салим Дониёров. — Тақдироти утказилаётган янги — “Юрт қайғусида 365 кун” китоби бизни Президентимизнинг бир йил давомида ҳар кунни нима ишлар билан банд бўлганидан бохабар қилади. Одатда бундай китобларни солнома, деб аташади. Лекин мен ушбу китобни солнома ёки йилнома деб эмас, балки куннома деб атаган бўлардим. Чунки ушбу асарда давлатимиз раҳбарининг 2025 йил давомидаги ҳар бир кунни ва амалга оширган ҳар бир иши ойма-ой, кунма-кун қайд этилган. Шунинг баробарида юртимиздаги ислохотлар ва тараққиёт одимлари ҳолиси баҳо берилган.

керак. Бир сўз билан айтиш бўлса, мамлакатимизда туб янгиланиш жараёнлари бошлангани бу йил 10 йил тўлади. Ҳар бир кунимизда мамлакат тараққиёти, унинг ободлиги, тинчлиги, дунё билан бўйлашишига оид қўллаб-қўллагичлар рўй бермоқда. Шу боис, келгусида ўтган ўн йиллик ҳақида ҳам туркум китоблар тайёрлаш ниятидаим.

Юқорида қайд этилганидек, мазкур китоб давлатимиз раҳбарининг 2025 йил давомидаги серқирра фаолияти, давлат бошқаруви, халқаро дипломатия, иқтисодий ислохотлар, экологик барқарорлик, ижтимоий ҳимоя, илм-фан, таълим ва

ўзига жалб қилади. Бир сўз билан айтганда, китобнинг асосий концепцияси мамлакат тараққиётини давлат ва жамият ҳаётидаги реал ўзгаришлар, стратегик қарорлар ва инсон қадрни устувор бўлган сиёсий ёндашувлар асосида очиб беришга қаратилгани билан ҳам таҳсинга лойиқ.

Шу ўринда янги асарнинг яна бир афзаллигига эътибор қаратасан. Китобни варақлай бошласангиз, унинг саҳифаларида иқтисодий ўсиш суръатлари, инвестицион фаоллик, экспорт ҳажмининг ортиши, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, “Яшил иқтисодиёт” сиёсатини кен-

логиялар, мудофаа, уй-жой сиёсати, маънавий-маърифий тараққиётга оид ташаббуслари яхлит тарихий жараён сифатида буй кўрсатган. Анжуманда китоб ҳақида фикр билдирган “маънавиятчи” Отабек Ҳасановнинг қуйидаги фикрлари ҳам эътиборимизни тортди:

— Бу китобни мутолаа қила туриб, давлатимиз раҳбарининг иш вақтлари нақадар тизим эканлигига яна бир марта амин бўлдим. Тасаввур қилинг, бир йилнинг 365 кунини давомлатиб қилмасдан қилаётган заҳматли меҳнати билан ҳар биримизга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

Янги китоб муборак бўлсин, азизлар!

### ▼ Эзгу ташаббус

## МЕҲР БИЛАН ЕНГИЛГАН ДАРД

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар изчил давом этмоқда. Аиниқса, оғир хасталикка чалинган болалар саломатлигини тиклаш, уларнинг ҳаётига умид ва ишонч бағишлашга қаратилган ташаббуслар халқимиз томонидан катта мамнуният билан қарши олинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қурбон ҳайити арафасида оғир касалликка чалинган болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Вақф” жамоат фонди томонидан маблағлар ажратилиб, улар бемор болаларнинг даволаниши, юқори технологик жарроҳлик амалиётларини ўтказиш ҳамда зарур tibбий хизматларни ташкил этишга йўналтирилмоқда.

Тошкент вилоятида ҳам мазкур ташаббус доирасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда шаҳар-туман tibбиёт бирлашмалари негизда махсус штаб ташкил қилиниб, унга вилоят даволаш-профилактика муассасаларининг масъул ходимлари жалб этилди. Бу эса эҳтиёманд оила-ларни аниқлаш, улар билан манзилли ишлаш ва tibбий хизматларни тизимли ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— “Вақф” фонди томо-

нидан вилоят учун жами миндан ортқ ваучер ажратилган, — дейди вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Туракул Ариқулов. — Уларнинг асосий қисми оғир ва ногиронликка олиб келувчи касалликларга чалинган болаларнинг саломатлигини тиклашга хизмат қилади. Жумладан, 299 нафар болада юқори технологик операциялар ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, 216 нафар онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхис қўйилган бемор болаларда чуқур tibбий текширувлар, даволаш жараёнлари ҳамда жарроҳлик амалиётлари амалга оширилади. Яна 4 нафар беморда жигар ва буйрак трансплантацияси ўтказилиши белгилангани ушбу хайрли ташаббуснинг нақадар муҳим ва инсонпарвар аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Ангрен шаҳрида масъуллар ана шундай



хонадонларга ташриф буюриб, ваучерларни ўз эгаларига топширишди. Суҳбатлар давомида ота-оналар фарзандлари саломатлиги йўлида кўрсатилаётган бундай гамхўрлик ва эътибор учун миннатдорлик билдирди.

— Ўғлим эндигина 4 ёшга тўлди, — дейди Доно Ерманова. — У тугма юрак нуқсонни билан дунёга келган. Олти ойлигида Болалар миллий марказида жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Кейинги амалиёт учун маблағга эҳтиёмимиз бор эди. Мана жарроҳлик амалиёти учун ваучер беришди. Бунинг учун ўз миннатдорчилигини билдираман.

Ўз мухбиримиз

### ▼ Семинар



Семинарда соҳа ходимларининг одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиши, истеъмолчилар билан муомала маданияти, хизмат кўрсатишда этика ва эстетика тамойилларига амал қилиш масалалари таъкидий таҳлил этилди. Шунинг-

дек, муружаатларни кўриб чиқишнинг янгича тизими, фуқаролар билан очиқ мулоқот ўрнатилди ва хизмат кўрсатиш жараёнида шаффофликни таъминлашнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирда давлатимиз раҳ-

## ФУҚАРО МУРОЖААТИ — ОДИЙ ҚОҒОЗ ЭМАС

“Худудгаз Тошкент” газ таъминоти филиалида аҳоли муружаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштиришга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

бари томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил асосида ҳар бир муружаатга масъулият билан ёндашиш лозимлиги таъкидланди. Қизгин савол-жавоблар

руҳида ўтган семинар-тренинг давомида ходимларнинг билим ва амалий кўникмалари синовдан ўтказилди. Бундай тадбирларни бошқа туман ва шаҳар газ таъминоти бўлимларида ҳам ташкил этиш режалаштирилган. Ўз мухбиримиз

### ▼ Мулоҳаза

## Қўнғироқ фақат мактабда чалинмайди...

Мактабларда “Сўнғи қўнғироқ” садолари янгради. Оқ кўйлакли қизлар, елкасига лента таққан йигитлар, кўзида ҳаяжон ва орзулар билан янги

ҳаёт остонасида турган ёшларни кўриб, кўзлар қувончга тўлди. Бу кун нафақат битирувчилар, балки ота-оналар учун ҳам ўйга толдирадиган палладир.

Яқинда кичик ўғлимни шифокорга олиб бордим. Озгина нотўғри оёқталаниб қўйган экан. Доктор томчи дорини томирига улаб қўйди. Дори тугагунча суҳбатлашиб ўтирдик. Гап орасида фарзандлар ҳақида сўради.

— Нечта фарзандингиз бор? — Учта. Икки нафари талаба. — Қайси йўналишда ўқишадилар? — Каттаси tibбиётда, ўртанчаси иқтисодда. Шунда доктор бир воқеани сўзлаб берди.

— Мен ҳам бир пайтлар кичик ўғлимни албатта шифокор қиламан, деб қаттиқ туриб олганман. 8-синфдан репетиторга бердим. Кейин хусусий мактабга ўтказдим. Кўшимча дарслар, тестлар, ҳаракатлар... Ҳаммаси битта мақсад — ўғлимнинг оқ халат кийиши учун эди. Ниҳоят, кутилган кунда телефонига хабар келди: давлат гранти асосида tibбиёт инсти-

тутига қабул қилинибди. Онаси иккаламиз қувончимиздан еру қўкка сиғмай қолдик. Аммо ўша кунни ўғлимнинг юзида қувонч йўқ эди. Ҳайрон бўлиб сўрадим: — Тинчликми, ўғлим? — У бир оз жим турди-да: — Дада, мен доктор бўлмайман, — деди...

Унинг жавобини эшитиб, тилимиз айланмай қолди. Кўз олдимиздан йиллар давомида қилинган меҳнатлар ўтди. Бакириб юборишдан ўзимни зўрга тийиб турдим. Аммо ўғлимнинг гапи мени лол қолдирди: — Дада, сиз ҳеч қачон менидан нимани хоҳлашимни сўраганмисиз? Фақат “доктор бўласангиз”, дердингиз, холос...

Гўё бошимдан бир челақ гундек сув қуйиб юборишгандек бўлди. Болам ҳақ эди. Унинг талаба бўлиши учун шу қадар ҳаракат қилибманки, лекин орзусини эшитишга вақт топмабман. Туну кун келажакни ўйлабман, аммо кўнглини сўрамабман. Шунда ундан би-

ринчи марта чин дилдан сўрадим: — Хўш, нимага қизиқсан?

— Учувчиликка. Самолётларда учини орзу қиламан.

Уша кунни болам билан узоқ суҳбатлашдик. Қарангки, у авиация ҳақида шунчалик кўп нарсани билар эканки, мен шу пайтгача уни тасаввур ҳам қилмабман. Қандай самолёт, қанча баландлик, экипаж, парвоз қондалари... Маълум бўлдики, у орзусини ичиди яшириб юрган, мен эса ўз мақсадларимни унинг елкасига ортиб қўйган эканман. Суҳбатнинг қолгани қисқа бўлди: Тошкент — Олмаота. Ҳужжатлар. Имтиҳонлар. Tibбий кўрик. Қабул. Бугун эса докторликка кирмаган ўғли авиация соҳасида иккинчи курсда ўқир экан.

Суҳбат тугади. Томчи дори ҳам охирлади. Кичик ўғлимнинг қўлидан игнани олишаркан, докторнинг бир гапи хаёлимдан кетмай қолди: — Фарзандимиз учун жон



Абдулатиф ҲАМИДОВ

## СЎНГГИ ТАЙЁРГАРЛИК

Бу галги жаҳон чемпионати тарихда илк бор уч мамлакат – АҚШ, Мексика ва Канада яшил майдонларида бўлиб ўтади. Жаҳон чемпионатининг илк турини Мексикада ўтказадиган вакилларимиз сўнги тайёргарлик йиғинини Америка Қўшма Штатларида олиб боради. Тайёргарлик доирасида иккита ўртоқлик учрашуви ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Хусусан, ҳамюртларимиз 1 июнь кунини мезонлардан бири Канадага қарши майдонга тушса, 8 июнь кунини жаҳоннинг энг кучли жамоаларидан бири, 2010 йилги мундиаль финалчиси Нидерландия терма жамоаси билан куч синашади. Айнан мазкур учрашувлардан сўнг жамоанинг якуний 26 нафарлик таркиби маълум қилинади. Қолган 4 футболчи эса юртимизга қайтиб келади.

## АМЕРИКАДА БИЗНИ БИЛИШАДИ

10 июндан бошлаб вакилларимиз

Атланта шаҳридаги "Атланта юнайтед" клуби спорт базасида жаҳон чемпионатидаги илк ўйинга тайёргарликни бошлади. Америка клуби ушбу мавзуга тўхталиб, иккинчи тармоқдаги саҳифасига "Welcome Uzbekistan Football Association" ("Хуш келибсиз, Ўзбекистон Футбол Ассоциацияси") дея пост жойлади. Бу ҳам терма жамоамизга бўлган ўзига хос ҳурмат ва қизиқиш рамзи.

Ёдингизда бўлса, терма жамоамиз сардори Элдор Шомуродов "Рома"да тўп тепиб юрган кезларида кўплаб клублар унга "совчи" кўйишганди. Улар орасида "Атланта юнайтед" ҳам бор эди. Бироқ ҳамюртимиз яқунда "Сеҳрли диёр"ни эмас, Туркияни танлаб, "Истанбул Башакшеҳир" жамоаси таклифини қабул қилганди. Барибир Элдорнинг тақдирига "Атланта юнайтед" майдонида тўп тепиш ёзилган экан.

Терма жамоамиз 27 июнь кунини гуруҳнинг сўнги туридаги Конгога қарши учрашувини айнан Атлантадаги "Мерседес-Бенц" стадионида ўтказди. Шу кунини шаҳар аҳли Элдор Шомуродов бошчилигидаги терма жамоамизга мухлислик қилса, не ажаб...

## ТАРКИБ АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС...

Қайд этиш жоиз, шу вақтга қадар терма жамоамиз бир нечта авлодлар алмашинувини бошдан

кечирди. Муваққилликнинг илк йилларида Миржалол Қосимов, Павел Бугало, Андрей Фёдоров, Игор Шквирин каби номлар йиғилган таркиб бўлса, XXI асрнинг иккинчи декадасида Максим Шацких, Игнатий Нестеров, Виталий Денисов, Одил Аҳмедов, Александр Гейнрих каби номлар катта саҳнага чиқди. Бироқ уларнинг ҳеч бири футболсевар халқимизнинг азалий орсуси – жаҳон чемпионати йўлланмасига эга чиқа олмади. Бу вазифани Элдор Шомуродов, Абдуқодир Хусанов, Аббосбек Файзуллаев, Жалолдин Машарипов каби иқтидор эгалари

йилликнинг нуфузли мусобақасида ҳам вилоятимиз ўғлонлари юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Улардан бири Достонбек Ҳамдамов. 1996 йилда Бекобод шаҳрида туғилган чарм тўп устаси ўзининг иқтидори, техник салоҳиятининг юқорилиги билан ажралиб туради. У 2015 йилда "Осиёнинг энг яхши ёш футболчиси" деб ҳам топилган.



## "ОК ЙЎЛ СИЗГА, ҚЎҚ БЎРИЛАР!"



жамланган янги авлод аъло даражада бажариб, футбол илҳосмандларига катта қувонч улашди. Терма жамоанинг ҳозирги таркиби олдингиларидан анча кучли. Абдуқодир Хусановнинг иқтидорида бутун Европа тан бераётгани, Элдор Шомуродовнинг "Рома"дек машҳур клуб шарафини ҳимоя қилгани-ю Туркия чемпионати

тўпурари бўлгани, Аббосбек Файзуллаевнинг Осиёда "Йилнинг энг яхши ёш ўйинчиси" деб топилгани сўзимизни тасдиқлаб турибди. АҚШга йўл олган 30 нафар футболчининг 13 нафари хориж чемпионатларида тўп тепади. Рақобат кучлилиги боис кучли чемпионатларда тўп тепаётган қатор легионерларимиз таркибга кира олмади. Аввалги авлодларда хориж клублар шарафини ҳимоя қиладиган саноклигина чарм тўп устаси бўларди, ҳолос. Уларнинг ўйини ўхшаса-ўхшамаса терма жамоага қақирув олаверарди. Сабаби, ўша кезларда "легионер" мақоми устувор эди. Бугунги муваффақиятимизнинг асосий сабаби ҳам айнан шу рақобатнинг кучлилигида.

## МУНДИАЛДАГИ ВИЛОЯТИМИЗ ЎҒЛОНЛАРИ

Вилоятимиз спортнинг кўплаб турлари, жумладан, футболда ҳам етарли иқтидор соҳибларини етиштириб бермоқда. Тўрт

Ҳозирда "Пахтакор" клуби шарафини ҳимоя қиладиган вилоятдошимиз учун жорий йилги мавсум аъло даражада ўтмоқда. У чемпионат доирасида ўтказилган 11 учрашувда рақиблар дарвозасини олти бор аниқ нишонга олиб, жамоадолларининг уч голига ассистентлик қилган. Америка китъасида ўтадиган жаҳон чемпионатида терма жамоамиздан порлаши кутилаётган футболчилар орасида Достонбекнинг ҳам борлиги қувонарли ҳол. Умид қиламизки, у ўзининг нима-ларга қодирлигини кўрсатиб, терма жамоамиз муваффақиятига ўз ҳиссасини қўшади.

"Сеҳрли диёр"га йўл олган яна бир футболчининг Авазбек Ўлмасалиев. Олмалиқнинг ОКМК клуби аъзоси давом этаётган мавсумда қўйилмақом ўйинлари билан терма жамоа бош мураббийи Фабио Каннаваро назарига тушди. 26 ёшли чарм тўп устаси мудофаадаги ишончли ҳаракатларидан ташқари бир бор рақиб дарвозасини ишғол қилиб, яна бир ассистенти номига ёздириб қўйган. У ва қолган ҳимоячилар мундиалда Роналду, Бернарду Силва, Жоао Феликс, Луис Диас каби жаҳон даражасидаги футболчиларни тўхтатишлари лозим. Бу анча машаққатли топширик бўлса-да иложсиз эмас. Агар улар бу "миссия"ни бажара олишса, терма жамоамизнинг муваффақият қозонишларида беқизи ҳисса қўшган бўлишди.

Яна бир қизиқ факт: Олмалиқ шаҳрида туғилган футболчи бошланажак жаҳон чемпионатида Германия терма жамоаси шарафини ҳимоя қиладиган бўлди. Бу – Антон Вальдемар. Тошкент вилоятида футболнинг дастлабки сир-асрорларини ўрганган 29 ёшли чарм тўп устаси кейинчалик олмаси билан Германияга кўчиб кетади ва ўша ерда

"Мюленберге" футбол академиясида таҳсил олишни давом эттиради. Ҳозирда ҳимочи "Боруссия Дортмунд" шарафини ҳимоя қилмоқда.

Бундан бир қанча вақт муқаддам тегишли мутасаддилар унга алоқага чиқиб, Ўзбекистон терма жамоасига таклиф қилишган эди. Бироқ футболчи таклиф учун миннатдорчилик билдириб, Германия терма жамоаси шарафини ҳимоя қилмоқчи эканлигини маълум қилган.

## ХОРИЖ НАШРЛАРИ ҚАНДАЙ ФИКРДА?

Терма жамоамизнинг мундиалдаги иштироки нафақат маҳаллий, балки хориж нашрлари томонидан ҳам қизгин муҳокама қилинмоқда. Хусусан, Германиянинг "Fussballfieber" нашри Ўзбекистон миллий терма жамоасини турнирнинг асосий кашфиёти ва энг хавфли дебютант деб атади. Улар жамоанинг интизоми, ҳимояси ва тезкор қарши ҳужумларини алоҳида мактаган.

Жаҳонга машҳур beIN Sports нашри ҳам вакилларимизнинг ўйинини таҳлил қилиб, "Турнирнинг сюрприз жамоаси" дея таъриф берди. Нашр мамлакатда йиллар давомида шаклланган футбол тизмини самара бераётганини, Фабио Каннаваро бошчилигида терма жамоа янада кучайганини, Абдуқодир Хусанов ҳамда Элдор Шомуродов каби етакчилар шаклланишини кайд этишди.

АҚШнинг Yahoo Sports нашри ҳам Ўзбекистонни "Жаҳон чемпионатининг ҳақиқий сюрприз жамоаларидан бири" дея баҳолаб, терма жамоанинг гуруҳ bosқичидан чиқа олишига ишонаётганини таъкидлади. Қолаверса, рақиблар ҳам биздан ҳайи-

қаетгани бор гап. Жумладан, гуруҳдаги энг кучли рақиб Португалия матбуоти ва футбол доиралари жамоамизга жиддий рақиб сифатида қарамоқда. Хусусан, FIFAning Португалия – Ўзбекистон учрашуви олдиндан берган расмий превьюсида Ўзбекистон "хавфли дебютант" дея таърифланиб, португаллар Осиё жамоасидан қутулмаган сенсация бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирилган. Қолаверса, Португалия терма жамоаси бош мураббийи Роберто Мартинес Ўзбекистонни "жиддий тайёргарлик кўрган кучли рақиб" деб атади.

Колумбия матбуоти ҳам Ўзбекистон терма жамоасига жиддий рақиб сифатида қарамоқда. Хусусан, ESPN Colombia нашри Ўзбекистонни "тартибли, интизоми ва қарши ҳужумда хавфли жамоа" деб таърифлаб, асосан тартибли ҳимояси, тезкор қарши ҳужумлари ва жисмоний тайёргарлиги юқори бўлган жамоа сифатида баҳолади. Улар айниқса жамоанинг уюшқоқ ўйини ва интизоми сабаб Жанубий Америка термаларига ноқулай рақиб бўлиши мумкинлиги ҳақида таъкидлашмоқда.

Кўриб турибдики, Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионатида илк бор иштирок этаётган бўлса-да, мухлису мутахассислар томонидан "чақилмас ёнғоқ" дея таърифланмоқда. Ҳатто гуруҳдаги Португалия, Колумбия каби жамоалар ҳам бизни кучли рақиб сифатида кўришмоқда. Умид қиламизки, ҳамюртларимиз Америка диёрида улкан муваффақиятларга эришиб, Янги Ўзбекистонга янги галабалар тақдим этади. Биз бунга ишонамиз.

ОЛФА, ЎЗБЕКИСТОН!!!

Суҳробжон САДИРОВ, "Тошкент ҳақиқати" шарҳловчиси

## Замондошларимиз

Баъзан бир сурат минг сўз ўрнини босади. Аммо ана шу бир тасвир ортида қанча меҳнат, қанча сабр ва дил изтироблари ётиши ҳақида ҳар ким ҳам ўйлаб қўрмайди. Чин фотомухбир бу фақат тасвир яратувчи эмас, балки ҳаётни ҳис этадиган, унинг лаҳзаларини қўра билладиган ижодкордир.

## ТИТУЛИ КЎП, АППАРАТИ БИТТАГИНА...



Яқинда олтимиш еттинчи баҳорини қаршилаган Султонбой Деҳқонов ана шундай ижодкорлар сирасига қиради. Унинг расмий титуллари жуда кўп: Ўзбекистон

Бадий академияси ва Журналистлар уюшмаси аъзоси. Кўплаб нуфузли кўргазмалар иштирокчиси ва голиби. Бадий ижодкорлар уюшмасининг Олтин медали соҳи-



би. "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танлови голиби. Аммо ана шунча эътирофлар фонидан унинг фотоаппарати... биттагина. Бу гўё рамзий ҳолат: демак, ижод

маҳсули анжомга эмас, маҳорат ва нигоҳга боғлиқ эканини англайди. Агар разм солсангиз, унинг тасвирларида камера эмас, қалб гапирди...

Султонбой ака бугунги кунда шоир Эшқобил Шукур бош муҳаррирлигида нашр этиладиган "Маънавий ҳаёт" журналида фотограф бўлиб фаолият юритмоқда. Унинг ижод намуналари юртимизнинг деярли барча вилоятларида намойиш этилган.

Ижод йўли эса ҳар доим ҳам раво келмаган. Бекобод туманида фаолият юритган аввалги раҳбарлар уни деярли танимаган. Тадбирлар учун "бирорта фотомухбир топиб келинган", деган топшириқлар берилган, ҳолос. У қақирилган, борган ва виждонан хизмат қилган.



Бироқ Бекобод тумани ҳокимлигида Зайнилобиддин Низомиддинов келгач, ижод аҳлига муносабат ҳам ўзгарди. Энди "бирорта фотомухбир" эмас, айнан Султонбой Деҳқоновни қақириб, меҳнатини муносиб баҳолаш йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг 18-21 май кунлари Андижонда "Расомлар фестивали" ўтказилди. Янги қурилган Бобур шаҳри Ўзбекистоннинг турли нукталаридан келган фестиваль қатнашчилари билан гавжум бўлди. Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Бадий академияси, Андижон вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, фоторасомлик, графика йўналишларида ижод қиладиганлар орасида энг истеъдодлиларни аниқлаш осон бўлмади. Ҳар бир

йўналишда бир қанча забардаст ижодкорларнинг ишлари синчков ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди.

Фестивалнинг фоторасомлик йўналиши бўйича Султонбой Деҳқонов тақдим қилган ишлар фахрли иккинчи ўринга лойиқ деб топилиб, у "Энг яхши фоторасом" номинацияси бўйича фестиваль ёрлиги ва пул мукофоти эга бўлди.

С.Деҳқонов қатнашган кўрик-танловлару, қўлга киритган ютуқларини санадан қўра, қатнашмаганлари ва қўлга киритмаган ютуқларини ҳисоблаш осонроқ. Охиригича танловда унга ойнали чорчўпларга солинган мақтов ёрлиги билан бирга анча каттакон конвертларда пул мукофоти ҳам тақдим этилдики, қанчалигини айтмаймиз.

Унинг суратларида назар ташлар экансиз, унда шунчаки манзара эмас, балки ҳаёт нафасини ҳис этасиз. У инсонни фақат ташқи қиёфаси билан эмас, ички дунёси билан тасвирлайди.

Чин фотомухбирнинг қудрати – техникада эмас, нигоҳда. Султонбой Деҳқонов ана шу ҳақиқатни ўз ижоди билан исботлаб келмоқда. Унинг қўлида биттагина аппарат бўлиши мумкин, аммо қалбиди санъат ва дунёқараш уни юзлаб, минглаб инсонлар қалбига етаклайди.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

## TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi),

Abdusamad NOSIROV, G'afurjon MUHAMEDOV, Sayyora FAYZIYEVA, Abdusovit ABDURAZZOQOV, Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV,

Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV, Otabek SULTONBEKOV, G'ayrat SHERALIYEV, Kumush EGAMBERDIYEVA, Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

To'xtamurod HASANBOYEV

Mas'ul kotib

vazifasini bajaruvchi: Nozima RASULOVA

Ekspeditör: Behruz NURBOBOYEV

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.



Qabulxonasi: (55) 520-64-95. Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10.

Mas'ul kotib: (55) 520-05-10. Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20.

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2. ISSN 2010-9318.

Bosishga topshirish vaqti – 20.00. Bosishga topshirildi – 21.30. Nashr ko'rsatkichi – 205.

8 087 nusxada chop etildi. Hajmi – 3 taboq. Buyurtma G-535.

Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ»

nashriyot-matbaa

aksiyadorlik

kompaniyasi

bosmaxonasida

bosildi.

Korxonaning manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon

ko'chasi, 41-uy.